Ishonch

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

http://www.ishonch-doveric.uz

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2012-yil 10-yanvar № 5 (3042) seshanba

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши — «Йилнинг энг яхши спорт ташкилоти»

■ Нарзулла МАХАМОВ, «Ishonch» мухбири

7 январ куни пойтахтимиздаги «Наврўз» тантаналар уйида 2011 йилда юқори натижаларни қайд этган йилнинг энг яхши маданият, санъат ва спорт намояндаларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Муносиблар тақдирланди

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилган бир гуруҳ спортчиларимизни муносиб тақдирлади.



Қувонарлиси, тақдирланганлар орасида касаба уюшма спортчилари ҳам кўпчиликни ташкил этди. Кутилганидек, жаҳоннинг уч карра тенгсиз каноэчиси, касаба уюшма спортчиси Вадим Менков «Йилнинг энг маҳоратли спортчиси» номинацияси соҳиби бўлди.

— Бундай шарафга муносиб кўрилганлигим учун ташкилотчилардан миннатдорман, — дейди истеъдодли спортчи Вадим Менков. — 2011 йилнинг 17-21 август кунлари Сегед (Венгрия) шаҳрида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича жаҳон чемпионатида муваффақиятли қатнашиб, шоҳсупанинг учинчи поғонасига кўтарилдим. Жорий йил ёзда Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмасини қўлга киритдим. Ўйлайманки, насиб этса Лондонда ҳам яхши иштирок этиб, мамлакатимиз спортчиларининг ғалабасига муносиб ҳиссамни қўшаман. Албатта, менга яқиндан кўмак бериб, барча шарт-шароитларни яратиб бераётганлиги учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига ҳам миннатдорлигимни билдираман.

(Давоми 4-бетда)

Спортсевар оила

Замира Санақулова — гимнастика бўйича мамлакатимиз ҳамда халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётган ёш спортчилардан.

У Бухоро шаҳридаги 5-ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаби «Нафис» бадиий гимнастика саройида 9 ёшидан буён шуғулланади. Бадиий гимнастика бўйича 5 карра Ўзбекистон чемпиони унвонини, 2010 йил Хитойда ўтган Осиё ўйинларида иккинчи ўринни, 2011 йил Россия ва Францияда ўтган халқаро турнирларда олтин медалларни қўлга киритган.

Бунинг боиси — Замира спортсевар оилада камол топаётир. Отаси, Бахтиёр Санақулов Бухоро вилояти ғазначилик бошқармасида бош мутахассис, стол теннисини яхши кўради. Бухоро шаҳридаги 14-умумтаълим мактабида она тили ва адабиёт фанидан сабоқ берадиган онаси Дилшода Абдуллаеванинг бадминтонга меҳри баланд. Замиранинг укаси Буюкбек ҳарбийлик касбини танлаган — шаҳардаги 19-ихтисослашган умумтаълим мактаби қошидаги ҳарбий-спорт гуруҳи тарбияланувчиси.

Суратда: *Замира Санақулова оиласи даврасида.*

Тоҳир ИСТАТОВ (ЎзА) олган сурат

Содир бўлган бахтсиз ҳодисаларга, энг аввало, корхоналарда меҳнат муҳофазаси яхши ташкил этилмаганлиги, хавфсиз иш ўрни яратилмаганлиги сабаб. Акс ҳолда, меҳнат жамоалари ишчи кучидан, хонадонлар боқувчисидан ажралиб қолмасди. Қолаверса, товон тўлаб корхона иқтисодига зарар келтириш яхшими ёки иш ўрни хавфсизлигига йўналтирилган маблағни оқилона сарфлаб, кўнгилсизликнинг олдини олган фойдалими?

2-бет

Марказимиз асосан уч йўналишда ўз фаолиятини ташкил этган. Биринчи йўналишда, туғруққача бўлган даврда ҳомилада ривожланиш нуқсонининг олдини олиш чора-тадбирлари ўтказилади. Иккинчи йўналишда эса янги туғилган чақалоқлар туғма гипотиреоз ва фенилкетонурия касалликларига оммавий скрининг қилинади. Учинчи йўналишда ирсий касаллик билан туғилганларга ва шундай фарзандлари бор оилаларга тиббий-генетик маслаҳат берилади.

2-3-бетлар



Бу «Отанг ўтирган уйнинг томига чиқма» мақолини эсимга туширди. Аммо ҳамма хонадонда ҳам ўзбекчилигимизнинг шу ажойиб тамойилига амал қилинаяптими? Ота билан пиёла уриштириб май симираётганлар, фарзанди олдида хурмача қиликларини кўз-кўз қилаётганлар, ҳатто падарига қўл кўтаришгача бораётганлар озмунчами? Билмадим, аммо дилимда ажиб эврилиш рўй берди: ҳали оқибат ўлмаган, бор бўлсин оқибат!..

3-бет

Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 20 йиллиги олдидан

■ Ёркул УМАР, ЎзА мухбири

Мустақиллик йиллари мамлакатимизда барча талабларга жавоб берадиган тезкор ва ҳаракатчан, замонавий қурол-яроғ ва техникага эга Миллий армиямиз барпо этилди. Қуролли Кучларимизни янада такомиллаштириш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ёшларимизнинг армия сафида хизмат қилишга, ҳарбийликдек шарафли касбга бўлган қизиқиши тобора ортишига хизмат қилмоқда.

Фаррух — фаол аскар

Мамлакатимиз тинчлиги ва хавфсизлигини ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг шарафли вазифасидир. Ватан, халқ олдидаги ушбу муқаддас бурч ўғлонларимиз қалбида масъулият, дахлдорлик ҳиссини кучайтирмоқда. Муддатли ҳарбий хизматни ўташ, келажагини ҳарбий соҳа билан боғлаш ёшларимизнинг эзгу орзуси, олий мақсадига айланмоқда. Йигитлик бурчини Навоий шаҳридаги ҳарбий қисмлардан бирида ўтаётган оддий аскар Фаррух Сиддиқов ана шундай интилувчан ёшлардан.

— Ҳарбий хизмат одамни нафақат жисмонан, балки маънан ва руҳан ҳам чиниқтирар экан, — дейди Фаррух. — Ўтказилаётган маънавий-маърифий машғулотлар интеллектуал салоҳиятимизни оширмоқда. Ҳарбий қисмимиз кутубхонасида зарур адабиётларни топишда кутубхоначи, кичик сержант Ольга Попованинг хизмати катта бўлмоқда. Мақсадим — муддатли ҳарбий хизматни тугатиб, Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртига ўқишга кириш ва келажакда офицер бўлиш.

Фаррух ўзининг намунали хулқи, тиришқоқлиги, интилувчанлиги билан командирлар назарига тушди. Машғулотлардаги фаоллиги, ҳарбий қисм миқёсида ўтказилаётган спорт мусобақаларида эришган ютуқлари туфайли у фаол аскарлар сафига қўшилди. «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил» эсдалик нишони, қўмондонликнинг фахрий ёрлиғи ҳамда қисм командирининг миннатдорлик хатини олишга муваффақ бўлди.

Мазкур ҳарбий қисмда хизмат қилаётган Фаррух сингари йигитлар эл-юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш йўлида сидқидилдан хизмат қилмоқда, ўз жисмоний ва интеллектуал салоҳиятини ошириб бормоқда. Ҳарбий қисмда ўтказилаётган машғулотлар, турли мусобақалар ва маданий-маърифий тадбирлар уларнинг билим ва тажрибасини янада бойитмоқда.

Қуролли Кучларимизнинг 20 йиллиги арафасида бу ерда шоир ва ёзувчилар, кенг жамоатчилик вакиллари, мактаб, лицей ва коллежлар ўқувчилари иштирокида «Очиқ эшиклар куни» тадбирлари ўтказилмоқда. Уларда Қуролли Кучларимиз тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар мазмун-моҳияти, ҳарбийлар учун яратилган шарт-шароит ва имтиёзлар ҳақида атрофлича маълумотлар берилмоқда.

Ҳамкорларимиз фаолиятидан

■ Наргиза АСАДОВА

Истеъмолчи ҳуқуқи

Чирчиқ шаҳрида Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси томонидан «Истеъмолчилар ҳуқуқлари — ҳамиша ҳимояда» номли давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда савдо-сотиқ ишларидаги муаммолар, жумладан, сотувчиларнинг муомала маданияти, маҳсулотнинг мувофиқлаштирувчи сертификатини тақдим эта олмаслиги, савдо шохобчаларида пластик карточкалар билан ҳисоб-китоб қилинганда қонунбузарликка йўл қўйилиши каби масалалар бўйича ўзаро фикр алмашилди.

— Мазкур тадбир аҳолини федерация томонидан олиб борилаётган ишлар билан яқиндан таништириш, ташкилотга нисбатан ишончни оширишга хизмат қилади, — дейди федерациянинг Тошкент вилояти ҳудудий бирлашмаси раиси Гулчеҳра Аббосова. — Бундай тадбирлар Чиноз, Янгийўл ва Бўстонлиқ туман жамиятларида ҳам ўтказилди.

Айтиш мумкинки, бугун ҳудудда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида сезиларли натижаларга эришилмоқда.

— Инсон манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш асосий вазифамиздир, — дейди Чирчиқ шаҳар Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти раиси Рустам Рисбоев. — Ҳозирда жамиятимизнинг олти мингдан зиёд аъзоси бўлиб, ўтган даврда истеъмолчилардан турли мазмундаги 63 та турли шикоят ва ариза келиб тушди. Улар атрофлича ўрганиб чиқилиб, зарур чоралар кўрилди. Шунингдек, жамиятимиз қошида таянч гуруҳлари ҳам ташкил этилган бўлиб, «Максам-Чирчиқ» ОАЖ, «Чирчиқ-нон» МЧЖ, касб-ҳунар коллежлари, автобус-такси саройлари, бозорларда тузилган таянч гуруҳи аъзолари томонидан олиб борилаётган ишлар жамият ўз олдига қўйган вазифаларни бажаришда самарали натижа бермоқда.

Кредит салмоғи ортмоқда

Жиззах вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда молия муассасаларининг кўмаги муҳим ўрин тутмоқда. Ўтган йил давомида тижорат банклари томонидан ана шу мақсадга 107,5 миллиард сўм маблағ ажратилди. Шундан 31,5 миллиард сўмини имтиёзли микрокредитлар ташкил этди.

Эътиборлиси шундаки, кредит маблағлари ҳисобига олис ва чекка қишлоқларда ҳам оилавий бизнесни ривожлантириш, коллеж битирувчиларини иш билан таъминлаш имконияти яратилди. Пировардида вилоятда 18 мингта янги иш ўрни яратилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда ҳам банкларнинг молиявий кўмаги қўл келяпти. Пахта ва ғалла учун ўтган йил 96 миллиард сўмлик кредит маблағи ажратилди. Тармоққа 12 миллиард сўмлик янги қишлоқ хўжалик техникалари харид қилинди.

— Ғалладан 30 миллион, пахтадан 100 миллион сўмлик даромад олдик, — дейди Жиззах туманидаги «Қуёшсевар-Парда» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони П.Зиётов. — Бунда бизга банкдан олган 24,5 миллион сўмлик имтиёзли кредит асқотди.

Вилоятда паррандачилик, асаларичилик, балиқчилик соҳаларини ривожлантиришда ҳам молия муассасалари ажратаётган кредит салмоғи ортиб бормоқда.

Абдуманнон АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири

Бунёдкор ёшлар

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилоят кенгаши ёшларга мурожаат билан чиқди. Маълумки, Юртбошимизнинг ўтган йил 15 ноябрдаги қарорига асосан Фарғона шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, унинг ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилмасини барпо этиш бўйича кенг кўламли ишлар бошланди. 60 та кўп қаватли бино, 1000 ўринли мўҳташам санъат саройи, 20 минг томошабинга мўлжалланган замонавий стадион ҳамда ўйингоҳ, янги амфитеатр, Ёшлар ва бизнес марказлари бинолари, янги фавворалар... Бундай беқиёс бунёдкорлик ишларини рўёбга чиқаришда ёшларнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Мурожаатга жавобан юзлаб ёшлар, айниқса, касаба уюшма аъзолари шаҳарнинг обод ва кўркам бўлишига ўз ҳиссаларини қўшишга шай эканликларини билдиришди.

Алишер ИБОДИНОВ, «Ishonch» мухбири

Янги қўшма корхона

Манғит шаҳридаги «ZAS METALL PRODUKTION» Ўзбекистон-Россия-Хитой қўшма корхонаси фойдаланишга топширилгач, республика саноати учун зарур бўлган катта-кичик ҳажмдаги арматуралар, кейинчалик металл уголниклар, швейлерлар, трубалар ва листлар ишлаб чиқарилади.

Амалга ошириладиган қурилиш ишлари ва янги технологиялар учун 12 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратилган.

Янги корхона тўла қувват билан ишлай бошласа, 250-300 нафар ишчи ва малакали мутахассис ишли бўлади.

Иззат ҲИКМАТОВ

48 та иш ўрни

Миллий банкнинг Асака филиали томонидан ўтган йилда 24 та мижозга бизнес ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун 1351,0 млн. сўмлик узоқ ва қисқа муддатли кредит ажратилганди.

Натижада 48 та янги иш ўрни яратилди. Биргина паррандачилик ва чорвачиликни ривожлантириш учун 517,0 млн. сўм кредит ажратилиб, 26 та янги иш ўрни жорий этилди.

Абдулҳай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

Намунали хизмат

Янгиқўрғон шаҳарчасининг Чортоқ кўчасида тадбиркор Ҳамидулло Йўлдошев томонидан автомашиналарни ювиш шохобчаси қуриб, ишга туширилди. Натижада, уч нафар фуқаро иш билан таъминланди.

Изланувчан тадбиркор хизмат турларини кўпайтиришга ҳаракат қилмоқда. Кичик ҳаммом қурилиши бошлаб юборилди.

Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» мухбири

Цех ишга тушди

Томди туманининг интилувчан ёшларидан бири Садубек Нурмуротов нон ва макарон ишлаб чиқарадиган цехни очишга муваффақ бўлди.

«Томди Сако» хусусий фирмасига қарашли мазкур цех ишчилари тайёрлаётган маҳсулотнинг асосий қисми тумандаги қурилиш объектлари ошхоналарига етказиб берилмоқда. Яқинда фирманинг ташаббуси билан «Янги Томди» массивидаги мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчилари ҳам ўз вақтида нон ва макарон маҳсулотларидан баҳраманд бўла бошладилар. Келажакда кичик корхона фаолияти тобора кенгайтирилиб, янада кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

Мансур АЛОВУДДИНОВ, «Ishonch» мухбири

Ishonch
2012-yil 10-yanvar № 5 (3042)

Етакчи минбари

■ Жамол АШУРОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Жондор туман бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси

Томорқалардан самарали фойдаланиш мақсадида тарғибот-ташвиқотни, қулай шарт-шароитлар яратишни ташкил этиш бўйича Жондор туманида режали ишлар амалга оширилаётир. Барча қишлоқ фуқаролар йиғинлари ҳудудида истиқомат қилаётган оилалардаги мавжуд экин майдонлари ва ундан унумли фойдаланишнинг аҳволи, жамғарилган озиқ-овқат, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари миқдори туман ҳокими томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳи томонидан ўрганилди. Натижа ёмон эмас.

Эзгу ишлар давом этади

Жорий йилда туманимиздаги 76 та таълим-тарбия муассасаларида янгидан ташкил этилган боғ-роғларга юз минглаб мевали дарахтлар ўтқазилди. 100 тоннадан ортиқ қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, 10 тоннадан зиёд мева қоқилари тайёрланиб, муайян қисми ўқувчилар ва жамоада меҳнат қилаётганларга тортиқ қилинди. Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Бухоро вилоят кенгаши томонидан ташкил этилган «Энг намунали муассаса боғи», «Энг намунали сабзавот, полиз майдони» кўрик-танловларида барча таълим-тарбия муассасалари жамоалари иштирок этиб, 36, 41, 12-умумтаълим мактаблари туман босқичи ғолиблари деб топилди ва касаба уюшмаси томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Айниқса, таълим-тарбия муассасаларида ёрдамчи хўжаликлар, ўнлаб мактабларда эса иссиқхоналар барпо этилгани айни муддао бўлди. Баҳорги экин экиладиган майдонлар сифатли шудгорланиб, маҳаллий ўғитлар билан озиқлантирилди.

Касаба уюшма фаоллари қишлоқ ва маҳаллалардаги хонадонларга бириктирилиб, ҳар қарич ердан унумли фойдаланиш, озиқ-овқат маҳсулотларини кўпайтириш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бораётир. Меҳнат жамоалари ва ўқувчилар билан бободеҳқонлар учрашуви ўтказилиб, экинларни парваришлаш, ишлов бериш агротехникаси ҳамда мўл ҳосил олиш сир-асрорларини ўрганишга доир давра суҳбатлари уюштириляпти.

Айни чоғда намунавий 2 сотихдан иборат енгил конструкцияли муқобил иссиқлик манбаида ишлайдиган иссиқхоналар қурилиши бўйича тажриба олиб борилмоқда. Кам таъминланган ёки боқувчисини йўқотган хонадонларда паррандачиликни ривожлантириш юзасидан фуқаролар йиғинларига ҳомийлар бириктирилиб, мурувват ёрдамлари кўрсатилаётир. «Агробанк» ОАТБнинг туман филиали аҳоли томорқаларида экин экиш учун зарур бўлган уруғлик, кўчат, иш анжомлари ва ҳоказолар учун имтиёзли кредитлар ажратяпти.

Бундан ташқари, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг 2011 йил 5 майдаги «Устоз-шогирд» усулини жорий этиш тўғрисидаги қарорини бажариш юзасидан ҳам изчил фаолият юритилаётир. Жумладан, таълим муассасаларида касб-ҳунар коллежларини битириб ишга жойлашганларга тажрибали ўқитувчилар, мураббийлар устоз сифатида бириктирилди. Кам таъминланган коллеж битирувчиларига касаба уюшма ташкилотлари томонидан 1 млн., вилоят бўйича эса 15 млн. сўм миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди.

Мустаҳкам оила йилида ибратли ишларни янада ривожлантириш чора-тадбирлари бўйича режа ишлаб чиқилмоқда.

Якун ва таҳлил

Устувор мақсадлар сари

■ Абдурашид ЯКУБОВ,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Мингбулоқ туман бирлашган қўмитаси раиси

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида фаолиятимиздан ўзгача қониқиш ҳосил қилдик.

Хусусан, касаба уюшма аъзолари томонидан 3-, 16-, 43-мактаблардаги 35 сотих бўш ётган майдонларда «Касаба уюшма боғи» ташкил этилди. Шунингдек, қўшимча иш ўринлари яратишга алоҳида эътибор қаратилиб, бир неча ёшлар доимий иш ўрнига эга бўлишди. 8-мактаб директори Х.Солиева меҳнат таълими фани ўқитувчиси М.Босаралиевага билим даргоҳи қошида тикувчилик билан шуғулланиши учун шароит яратиб берди. Муассаса учун қўшимча даромад топишда 7-мактаб директори М.Бобоева ҳам фаоллик кўрсатди. У аввалига бюджетдан ташқари топилган маблағ эвазига 4 та қўй сотиб олган эди. Жониворларни кўнгилдагидек парваришлаб, бозорга олиб чиқишди. Сотувдан тушган пул 1 бош қорамолга бемалол етди. Муассаса қорамоли сигирни парваришлаб, қўшимча даромад топаётган бўлса, мактабнинг бюджетдан ташқари маблағи ҳам кўпаймоқда.

Таълим муассасаларидаги ер майдонларидан ҳам унумли фойдаланиш йўлга қўйилди. Айниқса, 6-мактабда қурилган иссиқхона кўпчиликнинг ҳавасини келтиради. Бу ерда етиштирилган резаворлардан олинган фойда эвазига кам таъминланган ходимлар ва ўқувчиларга моддий кўмак берилмоқда. 43-мактаб ҳовлисида етиштирилган сабзавотлардан эса ходимлар учун тушлик тайёрланаётир.

Самарали бизнес муҳитини яратишда педагоглар намуна бўлишмоқда. Хусусан, 11-мактабнинг фахрий ўқитувчиси Баҳодир Жаминов Олтинкўл қишлоғидаги эски бинони таъмирлаб, шу ерда «Олтин замин маликаси» хусусий фирмасининг фаолиятини йўлга қўйди. Кўп тармоқли кичик корхонада коллежни тамомлаган 2 нафар ёш мутахассис иш бошлади. Жорий йилда корхонанинг умумий овқатланиш шохобчаси ишга туширилиб, 8 нафар йигит-қиз иш билан таъминланади.

40-мактабнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари С.Юсупов эса новвойхона очиб, эл дастурхонига пешма-пеш нон етказиб бераётир.

31-мактабнинг биология фани ўқитувчиси М.Ҳайдаров томорқасида қурган иссиқхонада 20 туп лимон парвариш қилиб, қўшимча даромад олмоқда.

Касаба уюшма аъзоларини томорқадан самарали фойдаланиш, оиласига қўшимча даромад олиб кириш бўйича 2011 йил май-сентябр ойларида бирлашган қўмитамиз томонидан ўтказилган «Энг намунали хонадон» кўрик-танлови ҳам кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Ғолиблар Конституциямизнинг 19 йиллиги арафасида тақдирланишди. Хусусан, биринчиликни қўлга киритган 41-мактаб касаба уюшма қўмитаси раиси А.Маматқуловнинг хонадонидаги миришкорлик кўпчиликда ҳавас уйғотди. Шунингдек, тумандаги 6-, 43- мактаблар «Энг миришкор муассаса» деб топилиб, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Мустаҳкам оила йилида ҳам устувор вазифаларни амалга оширишда жонбозлик кўрсатиш бирлашган қўмитамизнинг эзгу мақсади ҳисобланади.

Озод юртнинг обод уйлари

Фарғона вилояти Тошлоқ тумани «Ахшак» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида намунавий лойиҳа асосида қад ростлаган «Янги авлод» маҳалласида 33 янги уй-жой фойдаланишга топширилди. Айни пайтда ушбу маҳаллада минимаркет, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ва болалар майдончаси қурилиши якунига етмоқда.

— Янги, 2012 йилни янги уйда кутиб олганимиздан қувончимиз чексиз, — дейди «Янги авлод» маҳалласида яшовчи Содиқжон Имомалиев. — Замонавий, кўркам ва шинам бу уйларда барча қулайликлар мавжуд.

Тошлоқ туманида 2012 йилда намунавий лойиҳа асосида яна 60 та ана шундай уй-жойни барпо этиш борасидаги ишлар давом эттирилмоқда.

Суратларда: *Тошлоқ тумани «Янги авлод» маҳалласида намунавий лойиҳалар асосида қурилган уйлар; маҳалла қизлари Сорахон ва Хуршида Қодирова.*

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар

Бизга жавоб беришди

Шовот туманида истиқомат қилувчи Ж. Болтаевнинг тумандаги «Ёш табиатшунослар ва техниклар» ижодиёт маркази раҳбарияти хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб таҳририятимизга йўллаган хати ўрганиш учун Хоразм вилоят прокуратурасига жўнатилган эди. Таҳририятимизга вилоят прокурорининг ўринбосари, адлия маслаҳатчиси Ш. Абдуллаевдан ушбу масалага оид жавоб хати келди.

Жиноят иши қўзғатилди

Маълум бўлишича, шикоятда тилга олинган Ш. Рўзимова 2010 йил 2 сентябрдан бошлаб ижодиёт марказида «Бадиий тўқиш» тўгараги раҳбари лавозимида ишлаб келган. У 2011 йилнинг январ, феврал ва март ойларида тасдиқланган дарс жадвалига асосан туман ХТБга қарашли 26-умумий ўрта таълим мактабида тўгарак машғулотлари ўтиши лозим эди. Бироқ, ушбу даврда умуман машғулот ўтмаган бўлса-да 309.668 сўм иш ҳақи олган. Бу билан Жиноят кодексининг 167-моддаси 1- қисмида кўрсатилган жиноятни содир этганликда гумон қилинган.

Жиноят ишлари бўйича Шовот туман судининг ажримига кўра, Ш. Рўзимова айбига тўла иқрорлиги, чин кўнгилдан пушаймонлиги, даъвогар билан ярашганлиги, етказилган зарарни тўла қоплаганлиги, даъвогарнинг унга нисбатан даъвоси қолмаганлиги инобатга олиниб, жиноят иши ЖКнинг 66[1]-моддаси асосида тугатилган.

Вилоят прокуратураси томонидан ушбу суд қарори ўрганилиб, қонуний ва асосли деб топилди.

***

Шунингдек, Сариосиё туманида истиқомат қилувчи Ф. Аскаралиеванинг И. Жумаев ва бошқалар томонидан меҳнат дафтарчаси қалбакилаштирилгани, иш ҳақи берилмаётганлиги тўғрисидаги шикояти тегишлилиги бўйича туман прокуратурасига жўнатилган эди. Шикоят юзасидан туман прокурори, адлия маслаҳатчиси Э.Тўраевдан жавоб хати олдик.

Мутахассислар ҳамда аризачи иштирокида ўтказилган текширувда маълум бўлишича, Ф. Аскаралиева туман ХДП Кенгашида 2007-2008 йиллар ҳақ тўланмайдиган жамоатчи ёрдамчи бўлиб ишлаган. Бироқ ушбу лавозимга ишга олиш ҳақида буйруқ чиқарилмаган, икки маротаба 85 минг сўмдан маблағни кенгаш ходимлари ўз ҳисобидан берган.

Шунингдек, Ф. Аскаралиевага тегишли меҳнат дафтарчасининг иш тўғрисидаги маълумотлар варағининг 2, 3-бетларида «Аскаралиева Феруза 2004 йил 3 сентябрдан «Камолот» ЁИҲ Сариосиё туман кенгаши ҳомийлигидаги «Болалар ташкилоти» раиси лавозимига вақтинчалик ишга қабул қилинди», «2009 йил 5 апрел куни туман «Болалар ташкилоти» раиси Ф. Аскаралиева билан имзоланган меҳнат шартномаси бекор қилинсин» деган ёзувлар киритилиб, ҳужжат сохталаштирилган.

Ушбу ҳолат юзасидан туман прокуратураси томонидан Жиноят Кодексининг 228-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилган.

Шунингдек, Ф. Аскаралиеванинг И. Мирзаев томонидан ноҳақ ишдан бўшатилганлиги тасдиғини топмади ва бу ҳақда ариза муаллифига ёзма равишда жавоб хати юборилди.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

■ Нурилла ШАМСИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Меҳнат муҳофазаси

Меҳнат муҳофазасини ташкил этиш, ишлаб чиқариш билан боғлиқ турли кўнгилсизликларнинг олдини олиш иш берувчилар зиммасига алоҳида масъулият юклайди. Аммо айрим ҳолларда бу борадаги эътиборсизлик бахтсиз ҳодисаларга сабаб бўлмоқда. Бундан корхоналар катта моддий зарар кўраяпти. Энг ёмони, инсон соғлиги ва ҳаётига жиддий хавф туғилмоқда. Масалан, ўтган йилнинг биринчи ярмида Самарқанд вилояти бўйича бевосита ишлаб чиқариш билан боғлиқ 8 та бахтсиз воқеа содир бўлиб, 6 нафар киши ҳаётдан бевақт кўз юмди. Оқибатда 8 нафар аёл ва 27 нафар вояга етмаган болалар боқувчисини йўқотди.

Касални яширсанг...

Ҳаётда ҳар нарса бўлиши мумкин. Аммо баъзи корхоналарда юз берган фалокатни яшириш, белгилаб қўйилган меъёрий талаблардан чекинишга уринишлар борлиги ачинарли.

Хусусан, Пахтачи туманидаги «Зиёвуддин толаси» очиқ акциядорлик жамияти жинлаш ускуналари оператори Саид Аъзамов билан содир бўлган бахтсиз ҳодисани олайлик. Аслида 2010 йилнинг 27 ноябрида рўй берган бу фалокат нима сабабдандир сир тутилади. Ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолиши мумкин эди. Аммо вазият ОАЖ раҳбарлари истаганидек бўлмади. Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси Давлат меҳнат техника инспекцияси яширилган ҳодисани фош қилиб, 2011 йил ҳисоботига киритди. Жабрланган ходим эса қонунда кўзда тутилган барча имтиёзларга эга бўлди.

Бу ягона ҳолат эмас. Мазкур корхона назоратчиси Нажмиддин Ҳусанов хизмат вазифасини бажараётган чоғда тунги соат 3:30 да содир бўлган бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этди. Кўнгилсиз воқеа туфайли 1-гуруҳ ногиронига айланган ишчи Бахтиёр Муҳаммадиевга зарар ва товон пуллари тўланмади. Қачонки, тармоқ касаба уюшмаси масалани кўндаланг қўйгач, унга ёрдам берилди.

«Янгиқўрғон пахта» ОАЖ маъмурияти эса бир йўла 3 та (2 таси ўлим билан тугаган) ҳодисани пинҳон тутишга уринди. 2010 йилнинг 22 сентябрида корхона трактор ҳайдовчиси Неъмат Худойбердиев билан иш вақтида бахтсиз ҳодиса содир бўлади ва у 1 октябр куни вафот этади. 15 ноябр куни эса 2-ишлаб чиқариш бригадасининг тола тойловчиси Қаҳрамон Назаров меҳнатда жароҳатланиш оқибатида ногиронга айланади. 2 декабрда жамиятнинг «Даҳбед» пахта қабул қилиш маскани ишчиси Шариф Қудратов бахтсиз ҳодиса қурбонига айланади. Корхонада меҳнат муҳофазаси ўз ҳолига ташлаб қўйилгани боис тўрт ой ичида шунча кўнгилсизлик содир бўлади. Мутасаддилар чора-тадбирларни кучайтириш, жабрдийдаларга ёрдам қўлини чўзиш ўрнига юз берган ҳодисани яширишади. То вилоят ички ишлар бошқармаси корхонада текшириш ўтказгунча «Ўрага сичқон тушди, гулдур-гуп», дея мум тишлаб турилган.

Содир бўлган бахтсиз ҳодисаларга, энг аввало, корхоналарда меҳнат муҳофазаси яхши ташкил этилмаганлиги, хавфсиз иш ўрни яратилмаганлиги сабаб. Акс ҳолда меҳнат жамоалари ишчи кучидан, хонадонлар боқувчисидан ажралиб қолмасди. Қолаверса, товон тўлаб корхона иқтисодига зарар келтириш яхшими ёки иш ўрни хавфсизлигига йўналтирилган маблағни оқилона сарфлаб, кўнгилсизликнинг олдини олган фойдалими? Меҳнат муҳофазасига масъул ҳар бир иш берувчи буни тарозига қўйиб кўриши лозим.

2012 йил — Мустаҳкам оила йили

«Қариндошга

Республика «Она ва бола скрининги» Маркази директори, тиббиёт фанлари доктори Мадина ШАРИПОВА билан суҳбат

Назира БОЙМУРОДОВА олган сурат

— Мадина Каримовна, аввало, сизни юксак мукофот — Президентимиз Фармонига асосан «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими» унвонига сазовор бўлганингиз билан қутлаймиз. Юртимизда келажак авлод саломатлигига катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада марказ томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳам таҳсинга сазовор. Соғлом оила — соғлом бола ва соғлом жамиятни барпо этишда скрининг текширувларининг аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

— Мамлакатимизда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантириш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ҳақида қанча гапирса арзийди.

Барча вилоят марказлари ва Тошкент шаҳрида скрининг марказлари самарали фаолият юритмоқда. 2000 йилдан буён мамлакатимизда ирсий ва туғма нуқсонли болалар туғилиши 1,7 баробардан зиёд, ўтган йигирма йилда эса бир ёшгача бўлган гўдаклар ва оналар ўлими 3 баробардан кўпроқ камайди. Одамларнинг ўртача умр кўриш даражаси 7 йилга узайди.

Ўтган йили пойтахтимизда бўлиб ўтган халқаро симпозиумда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан Ўзбекистоннинг оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тиббий хизматининг миллий модели дунёнинг кўплаб мамлакатларига намуна сифатида тақдим этилгани бежиз эмас.

Бугун нафақат республика, вилоятлардаги Скрининг марказлари ҳам замонавий тиббий асбоб-ускуна ва малакали тиббиёт ходимларига эга. Натижада болаларнинг туғма нуқсонлар билан туғилишининг олдини олиш имконияти пайдо бўлди.

Марказимиз асосан уч йўналишда ўз фаолиятини ташкил этган. Биринчи йўналишда, туғруққача бўлган даврда ҳомилада ривожланиш нуқсонининг олдини олиш чора-тадбирлари ўтказилади. Иккинчи йўналишда эса янги туғилган чақалоқлар туғма гипотиреоз ва фенилкетонурия касалликларига оммавий скрининг қилинади. Учинчи йўналишда ирсий касаллик билан туғилганларга ва шундай фарзандлари бор оилаларга тиббий-генетик маслаҳат берилади.

Юртимизда ҳомиладорликнинг 16-20 ҳафталарида аёлларда ҳомилада туғма нуқсон ва ирсий касалликни аниқлаш мақсадида

Ishonch
2012-yil 10-yanvar № 5 (3042)

Орамиздаги одамлар

Санъат МАҲМУДОВА,
«Меҳнат шуҳрати» ордени соҳибаси

Меҳнату фарзандлар тарбияси ва ҳаёт ташвишлари билан ёши бир жойга бориб, кўнгли нозиклашиб қолган кексаларга нималар керак? Соғлик! Меҳр! Эътибор! Шу учала неъмат бор экан, бошқа барча яхшиликларни топса, яратса бўлади.

Тошкент шаҳридаги «Нуроний» сиҳатгоҳида мен бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдим.

Кексалар азиздир

Бош шифокор муовини, ўзи ҳам, муомаласи ҳам гўзал Гулираъно Маҳмудованинг даволаш ишлари-ю тартиб-интизомга қай даражада масъулият билан ёндашаётгани ва муҳими, жонкуярлигини кўрдим. Ҳар 16 кунда келадиган 212 нафар даволанувчининг 30 нафари унга бириктирилса-да, Гулираънога бир учрашиб, унинг суҳбатини, тавсияларини олишга қизиққанлар ўз-ўзидан кўпайиб кетганига гувоҳ бўлдим. Ёнида суянч тоғлари бўлган қўли гул шифокорлар, чаққон ҳамшираларни қанчалар қадрлашини ич-ичдан ҳис этдим. Уларга «Ҳар бирингизнинг ўзингизга хос чиройли муомала санъатингиз бўлсин», деб тайинлашдан чарчамайди.

— Азиз отахону онахонлар, — дейди у дам олувчиларга мурожаат қилиб. — Сиз катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган мўътабар кишиларсиз. Сиз оилага ҳам, жамиятга ҳам кераксиз. Ибн Сино бобомиз айтганларидек, доим яхши кайфиятда юринг. Тўйиб ухланг ва албатта меъёрида жисмоний машқлар билан шуғулланинг. Ана ўшанда узоқ умр кўрасиз. Илоҳим, ҳаммангиз қутлуғ юз ёшга етинг...

...Ёши улуғларни иззат-ҳурмат қилиш ва ўз ишига фидойилик санъатини Гулираъно болалигидан ўрганган.

Бу ҳақда Гулираънонинг дадаси, таниқли геолог-олим, ҳозир ёши 85 дан ошган Шомақсуд ота Шораҳмедов шундай деди:.

— Шукр, қизим исмини оқлади. Бувисига, аясига ўхшади. Эсини танибдики, эзгулик хизматида.

Олий тоифали шифокор Гулираъно Маҳмудова мана 28 йилдирки, Тошкент педиатрия институтида талабаларга дарс ҳам беради.

— Мен кексаларнинг нозик кўнглига малҳам бўлишни ва уларнинг беминнат дуоларини олишни бахт деб биламан,— дейди Гулираъно Маҳмудова. — Уларнинг ўзлари ҳам азиз, дуолари ҳам азиз!

Гўзаллик доимий насибангиз бўлсин, Гулираъно!

Инсон ўзинг

Абдунаби АБДИЕВ,
Қашқадарё вилояти

Ота ўтирган уй

1.

Беш-олти йил илгари «Турон» сиҳатгоҳида қадрдонлар бирга дам олгандик. Бу масканнинг ҳам ўзига хос тартиб-қоидалари бор. Биринчи кунданоқ даволовчи шифокордан тортиб яшайдиган хона, ҳатто тамаддихонада ўтирадиган стулингизгача белгилаб қўйилади.

Биз уч кишимиз, стол атрофидаги ўриндиқлар эса тўртта.

— Ким бўлса ҳам гапимиз қовушадиган, шинаванда бўлсин-да, — дедим сокинликни ёқтирганим учун.

— Озгина сабр қилсак, билиб оламиз, — деди шериклардан бири.

Дам олувчилар тўда-тўда бўлиб ошхонага кела бошлашди. Кўп ўтмай бўйчан, тўладан келган йигит жилмайганча биз томон юрди:

— Ассалому алайкум, акахонлар, столимиз бир экан, ўтирсам майлими?

— Ваалайкум ассалом, келинг, ука.

Гапни нимадан бошлашни билмай унга бошдан-оёқ назар солдик.

— Исмим Музаффаржон, Фарғонанинг Тошлоқ туманиданман. Фермер хўжалиги раиси бўлиб ишлайман, — деди у қизиқишимизни сезгандек.

— Афтидан ораларингизда мен бегонага ўхшайман, — дедим ҳазилга олиб. — Бу иккаласи ҳам фермер.

— Ёшуллимиз ўқитувчиларнинг ўқитувчиси, мактаб директори бўлиб ишлайди, — дея мени таништиришди.

— О-о-о, домланинг табаррук қўлларини яна бир олиб қўйсак бўларкан, — Музаффаржон тавозе билан ўрнидан турди. — Уч авомга бир устоз, қандай соз.

Шу қофияли гапнинг ўзи йигитнинг бамаъни, водий халқига хос ҳазил-мутойибага ўч эканидан дарак берарди.

Тезда тил топишиб кетдик. Музаффаржон муолажа олиб бўлганимиздан кейин ҳам биз ётган хонага кириб келар, даврага файз киритарди. Аммо унинг дам олиш муддати олдин ниҳоясига етди. Фарғона трассасигача кузатиб бордик.

— Ҳеч сизлардек акалардан ажралгим келмаяпти. Энди бориш-келиш қилиб турайлик, — деди у биздан кўнгил узолмай, ҳар биримиз билан қайта-қайта қучоқлашиб хайрлашаркан.

2.

Анча вақтгача Музаффаржон билан қўнғироқлашиб ҳол-аҳвол сўраб турсакда, турмуш икир-чикирларига ўралашиб Фарғонага йўл ололмадик. Шу орада у уч бор Қашқадарёга келиб кетди. Бир гал уч оғайниси билан, иккинчисида Карим ака исмли суҳбатижон тоғаси билан. Сиҳатгоҳдаги ҳамроҳларимиздан бири — Турдибой тўнғич ўғлини уйлантирганда ҳам қаватимизда турди.

— Ёшим кичиклиги учун уч марта келдим, энди навбат сизларга. Фарғонага бормасангиз, ака-укачиликдан воз кечаман.

Унга тағин қуюқ ваъда берсак-да, анчагача сўзимизнинг устидан чиқолмадик.

Янги йил байрами кунлари Музаффаржон учаламизга ҳам қўнғироқ қилди. Гап оҳангидан дили оғригани сезилиб турарди.

— Бўлди, сафар тадоригини кўринглар Фарғонага борамиз. Одамгарчиликнинг ҳам тоза уйини куйдирдик, — деди Турдибой.

Учаламиз гапни бир ерга қўйдик...

...Ташрифимиздан Музаффаржоннинг боши осмонга етди. Алексей билан Турди деҳқон эмасми, фермер хўжалиги даласига, мезбонимиз раҳбарлик қилаётган муқобил машина-трактор паркига бордик. Бири-биридан самимий водий одамлари билан танишдик. Музаффаржон яп-янги «Ласетти»сида Фарғона, Қўқон, Марғилон, Тошлоқни сайр қилдирди. Истиқлол шарофати билан қад ростлаган Аҳмад ал-Фарғоний, Бурҳониддин Марғиноний ёдгорлик мажмуалари олдида эсдалик учун расмга тушдик.

Музаффарнинг Қумариқ қишлоғидаги ҳовлисига қайтганимизда тўрт-беш киши бизни кутиб туришар, мавридини топиб навбати билан бир пиёла чойга манзират этишарди.

3.

— Мана шу йигит бизнинг ўғил, исми Обиджон, — деди навбатдаги сафардан қайтганимизда Карим тоға норғулгина ўттиз ёшлар чамасидаги йигитни кўрсатиб, кейин мен томонга ўгирилиб. — Уям сизга ўхшаб қишлоғимиздаги мактабга директорлик қилади.

Обиджон раҳбарлик қилаётган мактабни бориб кўрдик. Тумандаги илғор билим масканларидан экан.

— Энди, бир пиёла чой ичиб кетасизлар.

Карим тоға ўғлининг таклифини қувватлади. Уч кун давомида қаерга борсак, зериктирмай бизга йўлбошловчилик қилган тоғанинг сазасини ўлдиролмадик.

Тўкингина дастурхон бошидамиз. Обиджон таклиф этган ҳофиз йигит гоҳ Маъмуржон Узоқов, гоҳ Жўрахон Султонов ижро этган қўшиқлардан айтиб турибди.

Бошда Обиджоннинг биз ўтирган хонага чой, таом кўтариб бир зумгина кириб, дарҳол чиқиб кетишидан ажабланиб:

— Ўзингиз ҳам ўтирингда ҳамкасб, — дедим.

Обиджон эса:

— Мен, ҳозир, — дея тағин ташқарига чиқиб кетарди.

Сафаримиз қариб, қайтишимизда Турди ҳаяжон билан:

— Домла, эътибор бердингизми, буларда ҳурмат зўр экан. Ўғил ота ўтирган даврага қўшилмас экан, — деди.

— Хўш-хўш, — дедим ўсмоқчилаб.

— Эсингиздами, Обиджонникида ўтирганимизда кўчага чиққандим.

— Ҳа, рулда бўлганингиз учун ароқ манзират қилишидан чўчиб, чиқиб кетган бўлсангиз керак, деб ўйлагандим.

— Обиджондан: «Сиз нега меҳмонларнинг олдига кирмаяпсиз» деб сўрадим. У «Ахир ичкарида отам бор, у киши ўтирган даврага қандай кирай», деди...

Бу «Отанг ўтирган уйнинг томига чиқма» мақолини эсимга туширди. Аммо ҳамма хонадонда ҳам ўзбекчилигимизнинг шу ажойиб тамойилига амал қилинаяптими?

Ота билан пиёла уриштириб май симираётганлар, фарзанди олдида хурмача қилиқларини кўз-кўз қилаётганлар, ҳатто падарига қўл кўтаришгача бораётганлар озмунчами? Билмадим, аммо дилимда ажиб эврилиш рўй берди: ҳали оқибат ўлмаган, бор бўлсин оқибат!..

қиз берманг...»

пренатал ультратовуш ва биокимёвий скрининг текширувлари ўтказилади. Агар нуқсонли бола туғилиш эҳтимоли кузатилса, ҳомилани тўхтатиш тавсия этилади. Бундай саъй-ҳаракатларимиз натижасида Даун синдроми, гидроцефалия ва бошқа ривожланиш нуқсонлари бола дунёга келмасдан олдин аниқланмоқда.

Янги туғилган чақалоқларда эса туғма гипотиреоз ва фенилкетонурияни барвақт аниқлаш мақсадида оммавий неонатал скрининг текширувлари ўтказилмоқда. Ушбу касалликлар эрта аниқланиб, вақтида муолажа ўтказилса, болани хасталикнинг оғир ҳолатларидан асраш мумкин.

— Эндигина дунёга келган ёки она қорнида бўлган норасидада касаллик қаердан келиб чиқади?

— Хасталикка турли омиллар сабаб бўлади. Мисол учун, туғма гипотиреоз онанинг қалқонсимон без касалликларига чалиниши оқибатида келиб чиқади. Унутмаслик керакки, қалқонсимон безнинг туғма ривожланиш нуқсонларида туғма гипотиреознинг оғир шакллари билан хасталанган болалар туғилади.

Чақалоқда шундай касалликлар аниқланса, скрининг марказларида рўйхатга олиб, унга шифокор маслаҳати билан керакли муолажалар қўлланилади. Борди-ю гўдакда туғма гипотиреоз бўлса, бу ҳолда ҳам шифокорларимиз томонидан зарур чоралар амалга оширилади.

— Чақалоқлар яна қандай касаллик билан туғилиши мумкин?

— Ота-оналар фенилкетонурия касаллиги генини ташувчи бўлса, фарзанд шу хасталик билан дунёга келади. У ирсий касаллик бўлиб, авлоддан-авлодга яширин ҳолатда ўтади. Бошқача айтганда, соғлом ота-онадан ҳам касал бола туғилиши мумкин. Қолаверса, оилада, авлодда касал, ногирон боланинг борлиги бунга омил бўлади.

Шунинг учун ҳар бир чақалоқ 3-4 кунлик бўлгач, (муддатга етмай туғилган болаларда 7-10 кун) товонидан бир томчи қон олиб, махсус қоғозга шимдириб, текшириш учун скрининг марказларига юборилади. Боланинг картасида бу ҳақда маълумот ёзиб қўйилади. Маълумки, ҳомила геннинг ярмини отасидан, қолган ярмини онасидан олади. Касаллик генлари эса яширин (рецессив) генлар томонидан юзага чиқарилади. Қариндошлик қанчалик яқин бўлса, генлар яқинлиги шунча кучайиб, хасталик кўп кузатилади.

Минг афсуски, инсондаги барча генларни аниқлаш имкони йўқ. Бугунги кунда 3500 га яқин ирсий-генетик нуқсонлар аниқланган. Уларнинг кўпчилиги болалик даврида кузатилади.

Президентимиз ташаббуси билан янги йилимиз «Мустаҳкам оила йили» дея номланганида чуқур рамзий маъно бор. Бу оилаларда соғлом муҳитни таъминлаш, тиббий маданиятни юксалтириш вазифасини ҳам ўз ичига олади. Бу борада барчамиз ҳамжиҳатликда иш юритиб, мустаҳкам оила асоси бўлган соғлом авлод дунёга келишига ҳисса қўшишимиз лозим.

Суҳбатдош:
Амина ҚОДИРОВА,
«Ishonch» мухбири

даги никоҳнинг салбий оқибатлари ҳақида жуда кўп гапирилади. Аммо аҳоли ўртасида бу ҳолат ҳамон учрамоқда. Мутахассис сифатида айтинг-чи, қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари нималарда кузатилади?

— Қариндошлик никоҳида ирсий касаллик билан фарзанд туғилиш ҳоллари кўп учрайди. Бир-бирига қариндош ота-онанинг генларида яқинлик бор. Ана шу «яқин» генларнинг учрашуви, фарзанднинг ирсий касаллик билан туғилишига сабаб бўлади. Маълумки, ҳомила геннинг ярмини отасидан, қолган ярмини онасидан олади. Касаллик генлари эса яширин (рецессив) генлар томонидан юзага чиқарилади. Қариндошлик қанчалик яқин бўлса, генлар яқинлиги шунча кучайиб, хасталик кўп кузатилади.

Минг афсуски, инсондаги барча генларни аниқлаш имкони йўқ. Бугунги кунда 3500 га яқин ирсий-генетик нуқсонлар аниқланган. Уларнинг кўпчилиги болалик даврида кузатилади.

Президентимиз ташаббуси билан янги йилимиз «Мустаҳкам оила йили» дея номланганида чуқур рамзий маъно бор. Бу оилаларда соғлом муҳитни таъминлаш, тиббий маданиятни юксалтириш вазифасини ҳам ўз ичига олади. Бу борада барчамиз ҳамжиҳатликда иш юритиб, мустаҳкам оила асоси бўлган соғлом авлод дунёга келишига ҳисса қўшишимиз лозим.

Суҳбатдош:
Амина ҚОДИРОВА,
«Ishonch» мухбири

Солиқ ва ҳаёт

Президентимизнинг «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони соҳа ривожи учун яна бир имконият бўлди.

Баҳром ОБИДЖОНОВ,
Фарғона вилоят ДСБ Ахборот хизмати бошлиғи

Тартибга солинган текширишлар

Мазкур ҳужжатга асосан янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб дастлабки уч йил мобайнида режали солиқ текширишларидан ўтказилмайди (акциз солиғига тортиладиган товарлар ишлаб чиқарувчи кичик тадбиркорлик субъектлари, бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ текширишлар бундан мустасно). Айни пайтда кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ соҳасида текширишнинг кўзда тутилган максимал муддатдан, яъни 30 календар кунидан ортиқ вақтга узайтирилишига йўл қўйилмайди.

Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Фарғона вилояти бўйича 2011 йил текширишлар режа-жадвалига киритилган хўжалик юритувчи субъектлар рўйхатдан ўтган йиллари бўйича қайта таҳлил этилди. Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш республика Кенгашига тақдим этилган таклифларга асосан, рўйхатдан ўтганига уч йил тўлмаган 5 та кичик бизнес субъекти бу йилги текширишлар режа-жадвалидан чиқарилди.

Шунингдек, республика Кенгаши томонидан тасдиқланган жорий йилги текширишлар режа-жадвалига киритилган кичик бизнес субъектлари фаолияти қайта ўрганилди. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни вақтида тўлаётган ва ишлаб чиқаришнинг рентабеллик ўсиши барқарорлигини таъминлаётган тадбиркорлик субъектларини текширишлар режасидан чиқариш бўйича Давлат солиқ қўмитасига таклифлар юборилди. Натижада вилоят бўйича 20 та кичик бизнес субъекти ва 4 та субъектдаги комплекс текширишлардан айрим назорат органлари иштироки 2011 йил текширишлар режа-жадвалидан чиқарилишига эришилди.

Қарши Муҳандислик Иқтисодиёт институти томонидан 2011 йил Хўжақулов Шавкат Баҳромович номига берилган В №550888 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Олам ва одам

Дунёнинг алкоголсиз ичимликлар ишлаб чиқарувчи энг йирик компанияларидан бири «PepsiCo» икки мингта ходимини ишдан бўшатиши мумкин. Айни пайтда компанияда 300 мингта ходим меҳнат қилмоқда.

«PepsiCo» ишчилари сонини қисқартиради

Маълумотларга қараганда, иш ўринларини қисқартириш билан боғлиқ қарор яқин кунларда қабул қилинади. Шунингдек, компания «401(k)» номли ходимлар нафақа фондини молиялаштиришни тўхтатиш ниятида. Ушбу фондни қўллаб-қувватлашни тўхтатса, «PepsiCo» йилига 75 млн. доллар иқтисод қилади.

Компаниянинг ОАВ бўйича расмий вакили Питер Лэнд (Peter Land) нинг маълум қилишича, «PepsiCo» айни пайтда ўз фаолиятининг барча йўналишларида иш унумдорлигини баҳолаш текширувларини ўтказмоқда. «Унумдорликни баҳолаш ишлари компания бизнес-стратегиясининг бир қисми эди», — дейди Лэнд.

2011 йил якунларига кўра, «PepsiCo» акцияларининг нархи деярли ўзгармаган. Ҳолбуки, шу давр мобайнида компаниянинг асосий рақобатчиси бўлган «Coca-Cola» акцияларининг нархи 10 фоизга ошган. Тахминларга қараганда, режалаштирилаётган иш ўринларини қисқартириш ва компанияда олиб борилаётган бошқа чора-тадбирларга юқорида айтиб ўтилган ҳолат сабаб бўлиши мумкин.

Нью-Йорк шаҳар опера театри 2012 йилдаги илк репетицияларида артистларни вақтинчалик ишчилар билан алмаштиради, деб ёзади «The New York Times» газетаси.

Нью-Йорк шаҳар театри артистларга ўриндош қидирмоқда

Театр раҳбарияти 8 январ куни ойлик маошларни қисқартириш ва янги шарт-шароитлар бўйича келишув имзолашга қарши норозилик билдириб, иш ташлаш эълон қилган труппа билан келишувга эриша олмагач, шундай қарор қабул қилишга мажбур бўлди.

Шу тариқа, шаҳар опера театрининг бошланиши 12 январга мўлжалланган янги ижод мавсуми режаси барбод бўлиш хавфи остида қолди. Шу куни театр саҳнасида «Травиата» асари намойиш қилиниши керак эди.

Нью-Йорк опера театри 10 йиллардан бери оғир молиявий аҳволда фаолият юритиб келаётир. Аммо артистлар норозилиги илк бора ўтган йилнинг баҳорида, театр раҳбарияти Линколн марказига (Lincoln Center) кўчиб ўтишга қарор қилганда бошланди. Харажатларни камайтириш учун раҳбарият маошларнинг қисқартирилишини эълон қилди. Аммо театр ходимлари аъзо бўлган касаба уюшмаси бир неча марта меҳнат шароити ҳақидаги ўзгаришларни рад этишди. Уларнинг фикрича, раҳбариятнинг бу таклифи иш ва маош барқарорлигини таъминлай олмайди.



Кучли қор ёғиши оқибатида Австрия ғарбидаги бир неча ҳудудлар билан алоқа узилди. Хабарларга қараганда, 9 январга ўтар кечаси Форарльберг (Vorarlberg) федерал ерларига ёққан қорнинг баландлиги бир метрни ташкил этган.

Австрия ғарбида кучли қор ёғди

Узоқ муддат тўхтовсиз қор ёғиши натижасида баъзи ҳудудларда қор уюмлари 5 метргача етган.

Форарльбергдаги баъзи аҳоли пунктларига машинада ҳам, темир йўл орқали ҳам бориб бўлмайди. «Agence France-Presse» янгиликлар агентлигининг хабар беришича, Австрияни Швейцария билан боғловчи Арльберг туннели йўлини ҳам йиқилган дарахтлар тўсиб қўйган.

Маҳаллий ҳокимият жиддий қор кўчиш хавфи борлигини эълон қилиб, аҳолини огоҳлантирмоқда. Ҳудуддаги машҳур Лех (Lech), Цюрс (Zuers) ва бошқа бир нечта тоғ чанғиси курортлари ёпилган.

Бундан ташқари, қор ёғини Тирол ва Пинцгау округларида ҳам транспорт муаммоларини юзага келтирган. Айни пайтда ушбу ҳудудлар мамлакатдан ажраб қолган.

Интернет хабарлари асосида
Ж.ЮНУСОВ тайёрлади

«NAVOIY MULK MARKAZI» МЧЖ
бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарорига мувофиқ, «Ўзагросуғурта» ДАСК (ОАЖ) Навоий вилоят дирекциясининг 2011 йил 29 декабрдаги 01-632 -сонли ҳатига асосан, Кармана тумани, Қ.Қаршиев кўчаси, 29-уйда сақланаётган, «Дамас» русумли, 2000 йил и/ч, д/р 21 АВ 393 бўлган техник носоз автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 4 531 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 13 феврал куни соат 10:00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 10 феврал куни соат 18:00.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2012 йил 13 февралдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2012 йил 20 феврал куни соат 10:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 20 февралдаги такрорий савдо учун 2012 йил 17 феврал куни соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси ҳисоб-рақамига, автотранспорт воситасининг бошланғич баҳосидан 10 фоизи миқдорида закалат суммаси тўлаганлиги тўғрисидаги тўлови ҳужжати нусхаси, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, юридик шахслар давлат рўйхатида ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини тақдим этади.

Савдо ташкилотчиси — «Navoiy mulk markazi» МЧЖ ҳисоб рақами 20208000704943164001, АТ «Ипотека банк» Навоий филиали, МФО 00205, СТИР 302132768.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳар, П.Очилов кўчаси 24-уй, Навоий вилоят Давлат мулкини бошқариш бошқармаси маъмурий биноси, 1-қават.

Қўшимча маълумотлар учун телефон: (8-436) 224-64-31. Гувоҳнома: 1605.

Тузатиш

«Ishonch» газетасининг 2011 йил 15 декабрдаги 149 (3030) сонида чоп этилган «Республика мулк маркази» ЁАЖ «Тошкент минтақавий филиали»га тегишли 2012 йил 16 ва 24 январ кунлари бўлиб ўтадиган аукцион савдоси тўғрисидаги эълон матнининг «Автомобил ва дарё транспортини ривожлантириш норматив-техник таъминлаш Республика маркази» га тегишли «Фиат Темпра» русумли д/р 01 182 DAA бўлган автотранспорт воситасининг «бошанғич баҳоси — 600 000 сўм» ўрнига «бошланғич баҳоси — 6 000 000 сўм» деб ўқилсин.

Ishonch

2012-yil 10-yanvar № 5 (3042)

Муносиблар тақдирланди

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Спорт маликаси» номинациясига лойиқ топилган яна бир касаба уюшма спортчиси Ульяна Трофимова шундай фикр билдирди:

— Ўтган йил мен учун омадли келди. Кўплаб халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга эришдим. Ана шундай тадбирлардан бири ўтган йил 19-25 сентябр кунлари Франциянинг Париж шаҳрида ташкил этилган бадиий гимнастика бўйича жаҳон чемпионати бўлди. Аҳамиятли томони, унда ғалаба қозонган спортчи шу йил ёзда Лондонда ўтказиладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланмани қўлга киритарди. Ушбу имкониятга эга бўлганимдан хурсандман.

Шунингдек, «Йилнинг энг фаол спорт жонкуяри» номинациясида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси, Ўзбекистон велоспорт федерацияси кураторн Танзила Нарбаева тақдирланди.

«Спорт қироличаси» Светлана Радзивилнинг ҳам кайфияти чоғ. У ортда қолган йилнинг 20-30 август кунлари Дегу (Корея) шаҳрида енгил атлетика бўйича бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этиб, Лондон Олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритди.

— Ҳар қандай спортчи учун, аввало, Олимпия ўйинларида иштирок этишнинг ўзи катта бахт. Чунки у жаҳонда энг нуфузли мусобақа ҳисобланади, — дейди Светлана Радзивил. — Менга ана шундай бахт насиб этганидан хурсандман. Мазкур спорт анжуманига жиддий тайёргарлик кўраяпмиз ва албатта, ғалаба қозониш учун бор кучимизни ишга соламиз.

Мукофотланганлар орасида «Жамоа ғалабасига қўшган ҳиссаси учун» номинацияси ғолиби, Ўзбекистон велоспорт терма жамоаси аъзоси Муроджон Холмуродов ҳам бор. Иқтидорли спортчимиз 2011 йилнинг 6-19 феврал кунлари Банкок (Таиланд) шаҳрида велоспорт бўйича Осиё чемпионатининг гуруҳ пойгаларида иккинчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлиб, Лондон Олимпиадаси йўлланмасини қўлга киритган эди.

Қувонарлиси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Лондон Олимпиадаси ўйинларига энг кўп йўлланмани қўлга киритганлиги учун «Йилнинг энг яхши спорт ташкилоти» номинациясига сазовор бўлди.

Спортчиларимизни мукофотлар билан қутлаб, жорий йилдаги жаҳоннинг ҳар тўрт йилликдаги нуфузли спорт анжуманида ҳам улкан зафарлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

■ **Юнусбек РЎЗМЕТОВ,**
Урганчдаги 18-умумтаълим мактаби ўқувчиси

2011 йил ҳаётимда ўчмас из қолдирди. «Янги авлод» болалар ижодиёти фестивалининг Урганч шаҳар босқичида совриндор бўлдим. Синфимиз футбол жамоаси эса «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларининг шаҳар босқичида ғолибликни қўлга киритди.

Менинг илк ғалабам

Устозга таъзим

Синфдошларим бир-биридан истеъдодли, билимдон, тиришқоқ десам, мақтанчоқликка йўйманг. Уларнинг деворий газетамизда эълон қилинган шеър ва ҳикоялари, чизган расмларини кўрсангиз, ўзингиз ҳам бунга амин бўласиз. Синфдошларим билан ташкил қилган эрталикларимиз кўп бора маҳаллий телевидение орқали намойиш қилинган.

Бунда қўлимизга илк бор ручка тутқазиб, ҳарф танитган устозимиз Марина Қодированинг хизмати катта. Синфимиз рус тилига ихтисослашган. Устозимиз биз билан дўстимиз каби мулоқотда бўлади. Ютуқларимиздан суюниб, камчиликларимизни бартараф қилиш учун жон куйдиради.

Илгари мактабдан чиқишим билан «Интернет кафе»га қараб югурардим. Ота-онамнинг дашноми бир кунга таъсир қиларди, холос. Бу одатимдан хабар топган устозим панд-насиҳат билан мақсадга етишиб бўлмайди, деган фикрга келди чоғи менга ҳар куни турли болаларбоп журналлар, китоблар келтириб берар ва эртаси улар асосида савол-жавоб қиларди. Шу-шу эртакларнинг сеҳрли дунёсига кириб қолдим. Ўзим ҳам ҳикоя ва эртаклар машқ қила бошладим. Эндиликда ота-онам ҳам устозимдан жуда миннатдор.

Марина Қодирова синфимиздаги болаларнинг ҳар бири билан ана шу тарзда ишлайди. Устозимиз туфайли мактабимизни жуда севамиз. Дарсларда фаол иштирок қилишга ҳаракат қиламиз. Биринчи устозимиз сабоқлари биз учун маёқ вазифасини ўтамоқда.

Insonga naf keltirish – oliy baxt

O'ZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI

FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

Muassis:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:

Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:

Normamat ALLAYOROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To'lqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib), Anvar YUNUSOV

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63

Huquq va xalqaro hayot 256-03-90

Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74

Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79

Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43

Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:

Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99893 725 46 40;
Namangan + 99897 491 79 28;
Samarqand + 99866 708 70 12;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99873 221 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:

100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch2011@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi: 133

Navbatchi muharrir: A.Toshev

Navbatchi: A. Arslonov

Musahhih: S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 20.50

Buyurtma Г — 111

22795 nusxada bosildi

1 2 3 4 5

Қўшиқ

Жуфти ҳалолинг бўлсин

Шодланганда ёнингда
Жуфти ҳалолинг бўлсин.
Ғам босганда ёнингда
Жуфти ҳалолинг бўлсин.

Сир айтганда у сирдош,
Қаро тунда ёстиқдош.
Ҳамма ишда бошу қош,
Жуфти ҳалолинг бўлсин.

Кузатасан ишига,
Ишонмай ҳеч кишига.
Зеб бериб келишига,
Жуфти ҳалолинг бўлсин.

Ёришиб кетар юзинг,
Дийдорин кўрса кўзинг,
Болдир ҳар айтган сўзинг,
Жуфти ҳалолинг бўлсин.

Қариганда ёнингда,
Жонкуяринг, ҳамроҳинг,
Жонинг, ёринг, севганинг,
Жуфти ҳалолинг бўлсин.

Зулфия ИСАЕВА,
Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт бўлими етакчи мутахассиси

«ДИЛНАВО»НИНГ ИҚТИДОРЛИ ҚИЗЛАРИ

Наманган шаҳридаги 11-болалар мусиқа ва санъат мактабида бир юз олтмишдан ортиқ ўқувчи таҳсил олади.

Хотам МАМАДЛИЕВ (ЎзА) олган сурат

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ реконструкция қилиниб, зарур мусиқа асбоблари билан таъминланган санъат масканида ўқувчилар мусиқа ва санъат сирларини пухта ўрганиши учун барча шароит яратилган. Эллиқдан зиёд ўқув хоналари, 250 ўринли концерт зали замонавий талаблар асосида жиҳозланган.

Мактабда ўқувчилар фортепиано, халқ чолғу асбоблари, торли ва дамли чолғулар ижрочилиги, аккардеон, хореография ва тасвирий санъат йўналишлари бўйича сабоқ олмоқда. Мактаб қошидаги «Дилнаво» дуторчи қизлар ансамбли қатнашчилари «Янги авлод — 2011» болалар ижодиёти фестивалининг республика босқичида торли асбоблар йўналиши бўйича ғолибликни қўлга киритган.

▶ **Суратларда: мактаб ўқитувчиси Нодира Турсунова «Дилнаво» ансамбли қизлари билан.**

■ **Навбаҳор РАҲМОНОВА,**
Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси

«Фарида»ни «Фериде»га айлантирмайлик

Мулоҳаза

Исмнинг маъноси, хосияти инсон тақдирига таъсир қилади, деган қарашлар бор. Қулоққа ёқимли эшитиладиган, чиройли исмлар инсоннинг бир умрлик ҳамроҳи десак, адашмаган бўламиз. Муқаддас китобларда ҳам ота-онанинг энг масъулиятли вазифаларидан бири — фарзандига чиройли, маъноли исм қўйиш экани айтилган. Токи бола исмидан уялиб юрмаслиги керак. Шу сабабдан, қадимдан туғилган чақалоққа кўпни кўрган, илмли ва тажрибали инсонлар тавсиясига кўра исм танланган.

Лекин бугун бошқа халқлардан ўзлаштирилган Самира, Жасмина, Зубайра, Тахмина, Зайнура каби исмлар қулоққа тез-тез чалинмоқда. Болаларни миллий қадриятларимиздан фахрланишга ўргатиш учун, аввало, уларни ўзбекча исмлар билан аташимиз керак эмасми? Тараққиёт жадаллашаётган ҳозирги даврда миллатимизга хос сабру бардош, матонат ва бошқа хислатларни ўзида акс эттирган исмлар ҳаддан ташқари камайиб кетмаяптими?

Инсонда қизиқ бир хусусият бор: исмни асосан бирор кишига ҳавас қилиб, унга ўхшасин, деган эзгу ният билан танлашади. Айтайлик, 2003 — 2004 йилларда тавалуд топган қизалоқларнинг ҳар уч нафаридан бирига Рухшона исми қўйилган. Бу ўша пайтларда машҳур бўлган «Муҳаббат синовлари» филми бош қаҳрамонининг исмига тақлид бўлган. Ким билсин, чора ўрнида филм қаҳрамонларини соф ўзбекча исмлар билан аташ керакдир?

Исмларнинг «замонавий»лашишида хориж сериалларининг ҳам етарлича таъсири сезилаётганини айтиш жоиз. Масалан, турк сериали «Чолиқуши»нинг намойишидан сўнг аксарият Фаридалар ўзларини Фериде деб атай бошлашди, Комрон исмли болалар кўпайиб қолди. Тўғри, «комрон» ўзбек тилида «бахтиёр» деган маънони англатади. Лекин одамлар сериал таъсирида фарзандини кўп ҳолларда қаҳрамонларнинг исми билан атаётгани ташвишли ҳол.

Ҳар бир исмнинг маъноси, ўзига хос жарангдор оҳанги бор. Дейлик, «гул» қўшимчали қизларнинг исми элликдан зиёд экан. Аждодларимиз исм танлашда, аввало, фарзанд келажаги, бахтини ўйлаган. Ҳар бир исмда олам-олам ният, орзу-ҳаваслар жо бўлган. Зеро, кимгадир эриш туюлган Болтавой, Ўроқвой, Етмиш, Саксон каби исмларда болтадек ботир, ўроқдек ўткир бўлиб улғайиш, етмиш, саксон йил умр кўришга ишора яширин.

Кун келиб «Камилла»ю «Самира»лар жозибасини йўқотиши мумкин. Аммо Ўзбекойим, Гулиқаҳҳаҳ, Ҳусниябону каби исмлар халқимизнинг энг гўзал қадрият ва анъаналари рамзи сифатида кишилар меҳрини эгаллашда давом этади.

■ **Муҳаммад ШОДИЙ,**
журналист

Сўхнинг сирли тошойнаси

Юртимизда баҳаво жойлар кўп. Фарғона вилоятининг Сўх воҳаси ҳам шундай масканлардан биридир. Сўхнинг мўътадил ҳавоси, сўлим иқлими кўплаб саёҳатномалар, «Ҳудуд ул-олам» каби тарихий асарларда ҳам зикр этилган. Тақдир амри ила Сўх ва Ҳушёр кўҳпояларига келиб, бир йил истиқомат қилган Заҳириддин Муҳаммад Бобур «Бобурнома»да Сўх манзараларини алоҳида меҳр билан тасвирлаган.

Бу сирли дунё

Воҳа истиқлол йилларида амалга оширилган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари туфайли ўзгача файз топди. Янги боғроғлар, сўлим хиёбонлар барпо этилди. Ўқитувчи ва тадбиркор Баҳриддин Шодиевнинг ташаббуси билан зиёратгоҳ гулларга бурканган ажиб дам олиш масканига айланди.

Сўх — зилол ва хуштаъм суви билан машҳур. Оқар сой ва анҳорлар талайгина. Бир неча булоқча бирлашиб, Ровон ва Янгиариқ ариқларига бориб қўшилади. Мутахассисларнинг таъкидлашича, 3-3,5 минг метр чуқурликдан чиқадиган сув таркибида инсон саломатлиги учун муҳим магний, кальций ва хлорлиатрий каби кўплаб элементлар мавжуд. «Сўх Чашма» хусусий фирмаси (раҳбари Ҳабибулло Ёрматов) йилига 300 миллион сўмлик маҳсулот чиқармоқда. «Сўх Чашма» ўзининг чанқовбосди хусусияти билан бирга, шифобахшлиги туфайли ҳам алоҳида аҳамиятга эга.

Тоғларга талпиниб, юксакликдан мўъжиза қидирган аҳоли Тўл қишлоғидан 2-3 километр узоқроқда жойлашган Сурати адирларини сир-синоатга тўла деб билади. Суратида қора мармарга ўхшаш улкан харсангтош мавжуд. Яқин борсангиз, ўз аксингизни кўрасиз. Шунинг учун ҳам уни «Тошойна» дейишади. Шу ойна бир замонлар «Бобурнома» муаллифининг ҳам эътиборини жалб этган. «Узунлиги 10 кари (7 метрга тенг), баландлиги бир одам бўйига баробар Тошойнада ҳамма нарса акс этиб туради», деб мўъжизавий тошнинг шакл ва сувратини чизиб беради Мирзо Бобур.

«Муғтепа баландлигида муғлар яшар эди. Айтишларича, баҳор кунларининг бирида қирқ канизаги билан сайлга чиққан шоҳ қизи тўсатдан ёв ҳужумига дуч келиб, Сурати тоғи томон қочади. Яширинадиган жой йўқ. Худодан нажот сўраётиб, шоҳ қизи қўлидаги ойнани харсангтошга уради. Гумбурлаган садо чиқариб, тоғ ёрилади, унинг ичида қизлар паноҳ топадилар. Чилпарчин ойна эса улкан Тош Ойнага айланган эди. Душман аскарлари худонинг амри билан ойнада даҳшатли тасвирни кўриб қочиб кетишади».

Тошойна зарурат туғилганда шубҳали ва гумондор шахсларнинг суратини ҳам акс эттирган, деган нақллар мавжуд. Ўғри ва босқинчиларнинг қиёфасини аниқлаб, қўлга тушириш, жазолаш учун Қўқон хонлари гўё шу сирли ойнадан фойдаланишган. Аламзада тўда эса маслаҳатлашиб, Тошойнани портлатиш, ёқиб юбориш қасдига тушади. Натижада шаффоф ойна қора мармар тусини олади...

Ҳикоят қилишларича, Самарқанддаги муқаддас обидалар, жумладан Шоҳи Зиндадаги айрим қабрлардан йилнинг маълум муддатларида сирли садо чиқиб тураркан. Сўхнинг Қалъа мавзесида жойлашган Хўжа Ориф, Обишир қишлоғидаги Хонақоҳ ва Масжиди Хўжа Абулқосим, Демирсад маҳалласидаги Хўжа Муродбахш, Газнов гузаридаги Султон Маҳмуд каби муқаддас даргоҳлар билан боғлиқ ғалати жумбоқ ҳам кишини ўйлантиради. Ҳақиқий дам олиш масканларига айланган бу гўшаларга яхши ният билан келиш, мусаффо булоқларнинг сувидан ичиб, маънан покланиш, эзгу ишларни амалга ошириб, яхши ном қолдириш истагини қалбда тугишга ундайди.

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда Фарғона вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши жамоалари тармоқ ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши раиси Сапура Мўминовага умр йўлдоши

Алижон МЎМИНОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.